

Леонардо да Винчи

Сув

Сув завққа тўлиб, кадрдон денгиз қўйнида эркаланиб оқарди. Бирок бир куни унинг хаёлига осмонга етиш ўйи ўрнашиб қолди — ю, ёрдам сўраб оловнинг олдида борди. Олов ўзининг ёлқинлари билан сувни майда – майда томчиларга, томчиларни илиқ буғга айлантирди. Буғлар ҳаводан ҳам енгил экан.

Буғ ўша заҳотиёқ баландга, энг совуқ ҳаво қатламларига кўтарилибди. Булутлар ортига тушиб қолган буғ томчилари совуқдан шу қадар қотиб қолишибдики, тишлари тишларига тегмай такилларкан. Улар нима қилиб бўлса — да, салгина исиниб олиш ниятида бир — бирига яқинроқ келишибди, бирлашиб кетишибди. Шундан ҳавода оғирлашиб, яна ёмғир томчилари каби ерга қайтиб тушишибди.

Кеккайиш касалига дучор бўлган сув кўкка кўтарилди — ю, бирок у ердан ҳайдалди. Чанқаб турган ер уни бир томчисини ҳам қолдирмай, ютиб юборди. Сув эса яна денгиз кенгликларига чиқиб олиши учун тупроқ қатламларида ҳали узоқ вақт бўлишига тўғри келади – бу унга берилган табиатнинг ҳақли жазоси эди.

Ойгул Суюндиқова таржимаси